

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**«БАНК ИШИ» ва «БАНК ҲИСОБИ ва
АУДИТ» КАФЕДРАЛАРИ**

**“БАНКЛАРГА МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРНИ
ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН
ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ”**

**республика миқёсида ўтказилган илмий-
амалий конференция материаллари тўплами**

2020 йил 06 июнь

ТОШКЕНТ – 2020

УДК: 336.7(575.1)

КБК: 65.26(50‘)

О-56

“Банкларга молиявий маблағларни жалб қилиш ва уларнинг инновацион хизматлари самарадорлигини ошириш” мавзусидаги вазирлик миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами –601 б.

Масъул муҳаррирлар:

А.Омонов, З.Умаров, И.Жўраев, Ф.Холмаматов, А.Рахимов, А.Рахматов, Б.Мақсудов, С.Сайфуллаев.

Тақризчилар:

Ш.Абдуллаева – и.ф.д., профессор,

Т.Бобакулов – и.ф.д., профессор,

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-Ф-сонли Фармойиши асосида **“Банкларга молиявий маблағларни жалб қилиш ва уларнинг инновацион хизматлари самарадорлигини ошириш”** мавзусида Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференциянинг секциялари доирасида келиб тушган илмий тезислари асосида тузилган.

Тўпламда мамлакатимиз иқтисодчи олимлари, профессор-ўқитувчилари, иқтисодиёт йўналишидаги академиялар, шунингдек, молия-кредит соҳасидаги мутахассислар, илмий изланувчилар, магистрларнинг тижорат банкларига хорижий инвестициялар ва молиявий маблағларни жалб қилиш имкониятлари, юридик шахслар ва аҳолининг вақтинчалик бўш пул маблағларини банкларнинг муддатли депозитларига жалб этиш масалалари, банкларнинг қиматли қозғалар билан операциялари ва рақобатли кредитлаш бозорини фаоллаштириш, банклар капитали таркибида давлат улушини маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш зарурулиги ва йўллари, банкларнинг рақамли ва чакана хизматлари турлари ва сифатини ошириш, банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, аудитнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этиш масалаларига оид илмий тезислари ўрин олган.

Конференция материаллари Ўзбекистон Республикаси банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш, кредитлар ва депозитлар ҳажмини ошириш, банк хизматлари ва сифатини яхшилаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тузиш билан шугулланувчи банк-молия соҳасининг етакчи ходимлари ва мутахассислари, барча олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий ходим ҳамда мустақил тадқиқотчилари ва магистрантлари учун фойдали бўлади деб умид қиламиз.

привлекались государственные инвестиции, в 35 процентов фермерских хозяйств привлекались частные инвестиции в систему орошения и 39 процентов фермерских хозяйств пользовались льготными кредитами для деятельности. Также, выявлено, что 62 процента руководителей изученных фермерских хозяйств имеют средн-специальное, 7 процентов среднее или закончившие среднюю школу и около 30 процентов имеют высшее образование.

В заключении хочется отметить, что государственные инвестиции являются важнейшим средством экономической политики, создают экономические условия и социальные возможности, обеспечивающие благосостояние граждан в каждой стране. Эффективность финансовой поддержки фермерских хозяйств Фондом государственной поддержки сельского хозяйства за счёт государственных бюджетных средств была экономически оценена на примере фермерских хозяйств Самаркандской области. Как показали результаты, установлено, что повышение привлечённых в деятельность фермерских хозяйств инвестиционных средств на 1 %га увеличивает количество получаемой от отрасли прибыли на 0,216 %.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА :

1. А.Абдуганиев и А.А.Абдуганиев. Экономика сельского хозяйства. Учебник.-Т., 2004 г.
2. UNDP. Assessment of Development Results: Evaluation of UNDP Contribution-Uzbekistan.; 2009. doi:10.18356/df68e7e3-en
3. Makhmudov S. Усовершенствование инвестиционной среды при финансировании инвестиций //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 35.
4. Sanaev G, Kim KR, Hasanov S, Ganiev I. Review of postharvest aspects of fruits and vegetables subsector in Uzbekistan. Connect local Glob food Sustain Solut public food Procure. 2015;14:557.

Товар ва хизматлар нархини шаклланишида харажатлар ҳисоби ва товарлар ва хизматлар таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш

Бахриддинов Ж.Р.

***Наманган муҳандислик-технология
институтини таянч докторанти***

Корхоналарда харажат турлари ва моддаларининг юзага келиши уларнинг асосий, молиявий ва инвестиция фаолиятдан келиб чиқади. Ишлаб чиқариш корхона харажатлари асосан хомашё, материаллар, ёқилги ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларидан иборат бўлади.

Республикамизда харажат моддалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (ЎЗ.Р. ВМ.нинг 2003-йил 25 декабрдаги 567-сонли қарори